

### Одам савдоси – трансмиллий жиноят

**Аннотация:** Мақолада одам савдоси жиноятининг моҳияти ва мазмуни, унинг трансмиллий уюшган жиноят сифатида ўзга хос хусусияти, жиноятга қарши кураш борасидаги халқаро ва миллий нормалар келтириб ўтилган. Бундан ташқари, одам савдоси жиноятга оид халқаро ташкилотларнинг айрим статистик маълумотлари берилган.

**Калит сўзлар:** одам савдоси, жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, трансмиллий жиноят, трансплантация.

*“Барча иқтисодий, демократик сиёсий  
ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу –  
энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият  
шароитларини яратишдир”[1].*

*И.А.Каримов.*

Таъкидлаш жоизки, одам савдоси – бугунги кунда энг катта глобал муаммолардан биридир. Ҳуқуқшунос М.Ражабованинг фикрича, ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури “мерос” бўлиб ўтди, улар терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳида куч ишлатиш, яъни, эстремистик, фундаменталисти, сепаратистик ҳуружлар туради. Кейингиси эса наркобизнес ва энг сўнггиси одам савдоси, траффик билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотлардир[2].

Одам савдоси – умумий объектига кўра, шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлардан бири бўлиб, халқаро уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мамлакатимиз миллий қонунчилик нормаларида барча инсонлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, деб мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқларини таҳқирловчи хатти-ҳаракатлар, шу жумладан фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш халқаро ҳамжамият томонидан қабих ишлар қаторида эътироф этилиб, уларни тақиқлашга оид бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада халқаро ҳамкорликнинг ифодаси сифатида бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Шулар орасида қуйидагича энг нуфузли ва универсал халқаро ҳужжатларни келтириш жоиз:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
2. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол.

Табиийки, одам савдоси юқорида айтиб ўтилган халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар(инсоннинг эркинлиги, тенглиги, шахсий дахлсизлиги)га зарар етказди. Одам савдоси қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- Мажбурий меҳнат (мамлакатимиз фуқаролари мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун асосан Қозғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилмоқда);
- Қуллик (1956 йилги Қулчиликни, қулларни сотиш ва қулчиликка ўхшаш одатлар ва институтларни тугатиш тўғрисидаги қўшимча конвенцияда баён этилишича, қул савдоси бошқа бир шахсни қулга айлантириш, унга суиқасд уюштириш ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этишда шерик бўлиш, эрксиз ҳолдаги шахсларни майиб-мажруҳ эти ва уларга тамға босишни ўз ичига олади);

• Фоҳишабозлик (Ўзбекистон фуқаролари фоҳишалик учун асосан БАА, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рикада олиб чиқиб кетилмоқда)[3];

- Мажбурий донорлик;
- Ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш ва ҳ.к.

Одам савдосининг асосий ва энг хавфли шакллари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар савдоси;
2. Жинсий эксплуатация объекти сифатида болалар савдоси;
3. Мажбурий меҳнатнинг объекти сифатида одам савдоси;
4. Одамнинг табиий органларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадларида одам савдоси.

Ҳозирги кунда одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг ажралмас бир бўлагига айланган бўлиб, дунё миқёсида шундай кенг тарқалганки, БМТ ва Халқаро миграция ташкилоти экспертларининг фикрларига кўра мазкур жиноятдан жабрланганлар сони миллионларни ташкил этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Қочоқлар бўйича халқаро ташкилотлар экспертларининг баҳосига кўра, сўнгги йилларда одам савдоси шиддат билан ўсиб бормоқда. Тахминларга кўра, ушбу қабихликдан жабрланганлар сони йилига ўртача 2,7 миллион кишига етмоқда. Ушбу жиноятчиликдан тушадиган ноқонуний даромад эса, 7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Дунё миқёсида ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб сотилади. Одам савдоси бозори жуда катта даромад келтирадиган соҳа бўлиб, у наркотик савдоси ва қурол савдосидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди.

Айниқса, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ёки ёш болалар ташкил этаётгани ташвишли ҳолдир[4].

Статистиканинг гувоҳлик беришича, охириги 10 йил ичида Ғарбий Европага 3000000 аёл фоҳишаликка сотилган, 1990 йилдан бошлаб эса

Таиланд фоҳиша бозорига 80000 нафар аёллар ва болалар Мьянма, Камбоджа, Лаос, Хитойдан келтирилиб сотилган[5].

Де Пауло номидаги Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бутунжаҳон институти маълумотига қараганда, ҳар йили дунёда 2 миллион аёллар ва болалар фақатгина жинсий қуллик учун сотиладилар[6]

Мутахассисларнинг фикрича, сайёрамизда биргина аёл савдосидан йилига 12 миллиард доллар даромад олинади[7]. Жабрланувчиларнинг аксарияти жинсий эксплуатация мақсадида чет элга олиб чиқиладиган аёллар ташкил этади. Афсуски, халқаро одам савдоси тўрига илинган, ўз манфаати йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган кимсалар фуқароларимиз орасида ҳам учрайди. Етилиб келаётган хатарнинг трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жинойт эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди. 2008 йилдан бошлаб юртимизда замонавий қулликни бартараф этиш борасида кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу йўналишдаги жинойтларнинг олдини олиш мақсадида давлат, жамоат муассасаларининг катта қисми жалб қилинди.

Одам савдосига қарши кураш ҳамда уни олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Қонун 4 боб ва 17 моддадан иборат бўлиб, одам савдосидан жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид ваколатларни ўзида мужассам этган.

Ушбу қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Одам савдосига қарши кураш ҳамда уни олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давоми сифатида 2008 йил 8 июлда Биринчи Президентимиз томонидан “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан сўнг, мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди ва янги таҳрирда эълон қилинди. ЖК 135-моддасининг аввалги таҳририда фақат эксплуатация қилиш мақсадида алдаш йўли билан одам ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилиб, унда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зикр қилинган одамлар савдоси билан боғлиқ бўлган жиноий қилмишлар комплекси қамраб олинмаган эди. Бу ҳол амалда фуқаролар эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлай олмас эди. Бундан ташқари, фоҳишаларни эксплуатация қилиш мақсадида амалга ошириладиган одам савдоси тўғрисидаги БМТнинг 1949 йилги Конвенциясидан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси янги таҳририда одамларни ҳар қандай мақсадда эксплуатация қилганлик учун аниқ жавобгарлик назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” номли 135-модда билан тўлдирилди, сўнгра 2008 йил август ойида ушбу модда “Одам савдоси” кўринишида янги таҳрирда баён қилинди[8].

Одам савдоси уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатида асосий фарқ қилувчи хусусияти бўлиб, уни содир этиш оқибатида жисмоний шахслар товарга айланадилар. Яъни одамлар сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш учун объект бўлишлари мумкин. Бошқача қилиб

айтганда, улар жонсиз буюмларга тенглаштириладилар. Жабрланувчилар асосан ўз юртидан бошқа давлатларга транзит қилиш, чегаралардан ўтказиш орқали сотиб юборилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай жиноятни содир этган шахслар қўлга тушгунларига қадар ўз ҳаракатларининг оқибатини, жиноятга жазо муқаррарлигини тушуниб етмаётирлар. Қолаверса, бошқа жиноятлар каби одам савдосининг ҳам замонга мослашуви кузатилмоқда. Чунончи, муқаддам бир-бирига мутлақо бегона шахслар жиноятчи ва жабрланувчи бўлсалар, эндиликда жиноятчилар томонидан ўз қариндош-уруғлари, маҳалладошлари, таниш-билишларини сотиб юбориш ҳоллари кўпроқ учрамоқда.

Бундан ташқари, одам савдоси билан боғлиқ қонунбузарликлар латент характерга эга. Чунки жиноят қурбонлари уларга жиноий ва руҳий тазйиқ ўтказилгани ҳақидаги маълумотлар ёки ўзининг хорижга ноқонуний чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига омил бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, одам савдосига қарши курашиш, аввало мазкур соҳада ҳуқуқий асоснинг яратилиши ва қонун ҳужжатларининг амал қилиш механизмининг самарали фаолият юритишини талаб қилади. Чунки одам савдосига қарши курашнинг миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 14 б.
2. Инсон шаъни.қонун ҳимоясида. Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472)
3. Жўраев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 19-б
4. Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 2-б.
5. Ерохина Л.Д. Масшатабы торговли женщинами и программы борьбы с нею в России // Материалы конференции по проблеме траффика. Владивосток. 2001, стр. 3.
6. De Paulo Casese/Report to UNO/UNDP/Switzerland/ Bern. 2002/
7. Азиз Асроров. Одам савдоси- трансмиллий жиноят . «Ҳуқуқ ва бурч», 2016.
8. Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б. 14.